

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ ҲАМДА РИВОЖЛАНТИРИШ

Абдуллаев Абдулазиз

БМТИ, 404-22 ЕСТ гуруҳ талабаси

Таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини таъминлашда педагог-тарбиячиларнинг касбий маҳорати муҳим ўрин тутади. Хусусан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев Конституциямиз қабул қилинганининг 28 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида педагогларнинг савиясини ошириш, таълим-тарбия тизимини комплекс ривожлантириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратди.

— Дарҳақиқат, ёш авлодга замон талаблари асосида билим бериш учун, табиийки, ўқитувчи-педагоглар малакаси ва маҳорати юксак бўлмоғи лозим. Айниқса, бугун ёшлар жуда илғор фикрламоқда. Дарсларни уларнинг талабига мос, юқори даражада ташкил этиш учун ўқитувчи мунтазам равишда ҳар бир машғулотга алоҳида тайёргарлик кўриши зарур. Шу нуқтаи назардан, халқ таълими тизимига янги ва замонавий таълим технологияларини, ўқув дастурларини жорий этиш билан бирга, педагогларнинг касбий маҳоратини изчил ошириб бориш мақсадга мувофиқдир.

— Албатта, таълим муассасаларида дарсларни самарали ташкил этишда, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, етук кадрлар билан бир қаторда таълимга доир меъёрий ҳужжатлар, ўқув-методик таъминотнинг ўрни ҳам бениҳоят аҳамиятлидир. Президентимиз томонидан ўқитишнинг замонавий методологиясини яратиш ва амалиётга жорий этиш, ўқувчиларнинг онгли равишда касб-ҳунар танлаш иштиёқини кучайтириш, дарсликларни яратишга бутунлай янгича ёндашиш каби долзарб вазифалар айнан шу мақсаддан келиб чиқилган ҳолда қўйилмоқда. Ҳақиқатан ҳам, глобаллашув жараёнининг жадаллашуви ўқув дастурларимизни тубдан қайта кўриб чиқишни, кенг билимга эга бўлган, мантиқий фикрлай оладиган ёшларни вояга етказишга хизмат қиладиган, такомиллашган меъёрий ҳужжатлар, ўқув-методик мажмуаларни яратишни тақозо этмоқда.

Методик хизматнинг ўқитувчи эҳтиёжига асосланган янги шакллари яратиш, таълим сифатини баҳолаш жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш ҳам муҳим вазифаларимиздан ҳисобланади.

Бу каби ишларнинг йўлга қўйилиши, ўйлайманки, айти пайтда аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётган бир қатор муаммолар, жумладан, ўқув муассасаларидаги таълим-тарбия жараёнидаги камчиликларнинг барҳам топишига хизмат қилади.

Илғор хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиб, 2022 йилда мактабгача таълим-тарбия тизими учун муқобил дастурларни ишлаб чиқиб, амалиётга татбиқ қиламиз. Янгиланган дастурлар болаларни мактабга янада сифатли тайёрлаш, уларнинг интеллектуал қобилияти ва мантиқий фикрлаш салоҳиятини юксалтириш, олдингидан фарқли ўлароқ, ёзиш ҳамда ўқишни жадал ўрганишига хизмат қилади.

— Дарвоқе, чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида амалиётга йўналтирилган янги давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари самарадорлиги қандай?

— Таъкидлаш керакки, бугунги кунда болалар чет тилларни шу соҳага оид янги давлат таълим стандартлари ҳамда ўқув дастурларига мос дарсликлар асосида катта қизиқиш билан ўрганмоқда. Айни пайтда 1-4-синф ўқувчилари учун замонавий дарслик-мажмуалар ишлаб чиқилиб, ўқувчи ва ўқитувчилар дарсликлар билан юз фоиз бепул таъминланган. Чет тили таълими самарадорлигини ошириш мақсадида мактабларга барча зарур жиҳоз ва инвентар етказиб берилган.

Эътиборлиси, мактаб ўқувчиларига чет тилини ўргатиш борасида ўзига хос ёндашувлар танланди. Хусусан, болалар тил ўрганиш баробарида, миллий қадрият ва анъаналаримизга солиштирган ҳолда тили ўрганилаётган халқ маданияти билан танишади. Дарсликларга ўзбек ҳамда жаҳон адабиёти ижодкорлари ижодидан намуналар ҳам киритилганки, бу болаларда мутолаа маданиятини шакллантиришга хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ramazanov B., Juraeva L., Sharipova N. Synthesis of modified amino-aldehyde oligo (poly) mers and study of their thermal stability // IOP Conference Series: Earth and Environmental Science. – IOP Publishing, 2021. – Т. 839. – №. 4. – С. 042096.

2. Ниязов Л. Н., Жўраева Л. Р., Бердиева З. М. Кимё фанини ўқитишда кейс-стади усулидан фойдаланиш масалалари // Интернаука. – 2018. – №. 47-2. – С. 62-63.

3. Джураева Д. Д., Джураева Л. Р., Ниязов Л. Н. Мотивация как фактор развития потенциала учащихся в высших технических учебных заведениях // Актуальные проблемы социологии молодежи, культуры, образования и управления. Т. 3.— Екатеринбург, 2014. – 2014.

4. Мухаммадиев Б. Т., Джураева Л. Р. ПАРАМЕТРИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ СО2 ЭКСТРАКЦИИ РАСТИТЕЛЬНЫХ ИНГРЕДИЕНТОВ // Главный редактор. – 2020. – С. 31.

5. Джураева Л. Р. ХИМИЧЕСКАЯ БЕЗОПАСНОСТЬ ПИЩЕВЫХ ПРОДУКТОВ // Главный редактор: Ахметов Сайранбек Махсутович, д-р техн. наук; Заместитель главного редактора: Ахмеднабиев Расул Магомедович, канд. техн. наук; Члены редакционной коллегии. – 2021. – С. 13.

6. Жўраева Л. Р. РОЛЬ СЕТИ ИНТЕРНЕТА В ПРЕПОДАВАНИИ ХИМИИ //Universum: психология и образование. – 2021. – №. 6. – С. 4-6.

7. Джураева Л. Р. Изучение радикальной сополимеризации гетероциклических эфиров метакриловых кислот со стиролом //Интернаука. – 2017. – №. 6-1. – С. 71-73.

8. Мавланов Б. А., Джураева Л. Р. ИЗУЧЕНИЕ БИОЛОГИЧЕСКОЙ И БАКТЕРИЦИДНОЙ АКТИВНОСТИ СОПОЛИМЕРОВ НА ОСНОВЕ ГЕТЕРОЦИКЛИЧЕСКИХ ЭФИРОВ МЕТАКРИЛОВЫХ КИСЛОТ //Интернаука. – 2017. – Т. 7. – №. 11 Часть 2. – С. 8.

9. ФАЙЗИЕВ Ш. Ш., ДЖУРАЕВА Л. Р. О магнитных свойствах бората железа допированного магнием //Современные инновации в науке и технике. – 2014. – С. 264-266.

10. Джураева Л. Р. ИССЛЕДОВАНИЕ ПРОСТРАНСТВЕННОЙ МАГНИТНОЙ НЕОДНОРОДНОСТИ ЛЕГКОПЛОСКОСТНЫХ СЛАБЫХ ФЕРРОМАГНЕТИКОВ //Ученый XXI века. – С. 21.

11. Жўраева Л. Р., Кодиров О. Ш. ЭКСТАКЦИЯ БЕНЗОЛА ИЗ ПИРОЛИЗНОГО ДИСТИЛЛЯТА ПРОИЗВОДСТВА СП ООО «UZ-KOR GAS CHEMICAL» НА СМЕШАННОМ ЭКСТРАГЕНТЕ ДМСО+ ДЭГ //Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities. – 2023. – Т. 11. – №. 1. – С. 95-107.

12. Juraeva L. R., Qurbonova S. S. Separation Of Mononuclear Arenes in The Deg+ Dmso System //Czech Journal of Multidisciplinary Innovations. – 2022. – Т. 11. – С. 53-57.

13. Джураева Л. Р. Анализ Составы Пиролизного Дистиллята Методом Экстракционной Перегонки //Periodica Journal of Modern Philosophy, Social Sciences and Humanities. – 2022. – Т. 12. – С. 150-154.

14. Джураева Л. Р., Кодиров О. Ш. ИССЛЕДОВАНИЕ ХИМИЧЕСКОГО СОСТАВА ПИРОЛИЗНОГО МАСЛА ВТОРИЧНОГО ПРОДУКТА ПРОИЗВОДСТВА СП ООО" UZ-KOR GAS CHEMICAL" //Universum: технические науки. – 2022. – №. 4-8 (97). – С. 44-48.